

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 31 » январь 2019 у.

№ 69

Toshkent sh.

**Ангрен шаҳрининг 2032 йилгача бўлган даврга мўлжалланган
бош режасини тасдиқлаш тўғрисида**

Ангрен шаҳрини комплекс ривожлантириш ва қуришни режалаштириш сифати ва даражасини ошириш, шаҳарнинг меъморий-режалаштириш қиёфасини ҳамда инфратузилмасини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилган 2032 йилгача бўлган даврга мўлажалланган Ангрен шаҳрининг бош режаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ асосий ечимлари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан биргаликда тасдиқлансин.

2. Тошкент вилояти ва Ангрен шаҳри ҳокимликлари тасдиқланган шаҳар бош режасига мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан билан биргаликда қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узок муддатли истиқболларга мўлжалланган қурилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш истиқболларини режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда 2032 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Ангрен шаҳрини комплекс қуриш Дастури лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

б) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда қуйидагиларни таъминласинлар:

шаҳар ерларидан мақсадсиз фойдаланишга ва ноқонуний қурилишларни амалга оширишга йўл қўймаслик юзасидан қатъий назорат ўрнатиш йўли билан улардан самарали фойдаланиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва магистрал кўчалар, йўл ўтказгичлар ва автобекатларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни ҳисобга олган ҳолда йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини такомиллаштириш;

энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан сув таъминоти, канализация, ирригация, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти ва телекоммуникациялар объектларини қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан муҳандислик-коммуникация тузилмасини модернизация қилиш;

худуднинг шаҳарсозлик қиёфасини шакллантирувчи мавжуд майдонлар, ободонлаштирилган хиёбонлар ва боғларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш йўли билан архитектура-режалаштиришни яхшилаш ишларини ташкил этиш ҳамда архитектура ансамбллари яратиш;

уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, санъат ва дам олиш объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳисобига ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

илмий гидрогеологик тадқиқотлар асосида сизот сувлар сатҳини пасайтириш бўйича шаҳар ҳудудини муҳандислик жиҳатидан тайёрлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

шаҳарнинг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш тизимини ишлаб чиқиш;

Оҳангарон Дукентсой ва Карабаусой дарёлари ўзанларини ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг фуқаролик муҳофазаси бўйича муҳандислик-техник тадбирларни ишлаб чиқиш;

биринчи навбатда қуриладиган массивларнинг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

уй-жойлар қурилишини ва бошқа объектларни экология жиҳатидан ноқулай ҳудуддан бошқа жойга кўчириш тадбирларини амалга ошириш;

ўз функциялари бўйича жойлашишга мувофиқ бўлмаган объектларни реконструкция қилинадиган шаҳар маркази ҳудудидан босқичма-босқич кўчириш;

шаҳарнинг тасдиқланган бош режасига мувофиқ шаҳарнинг қурилиш базасини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш.

3. Тошкент вилояти ҳокимлиги Ангрен шаҳрининг тасдиқланган бош режаси асосида Ангрен шаҳри чизиги лойиҳасини 2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этсин.

4. Тошкент вилояти ва Ангрен шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, лойиҳа-қидирув ташкилотлари раҳбарлари зиммасига 2032 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Ангрен шаҳри бош режасини ўз вақтида ва сифатли амалган ошириш, шаҳарсозлик жиҳатидан таъминловчи объектларни комплекс ва оқилона жойлаштириш, шунингдек, ушбу мақсадларга йўналтирилаётган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ҳар йили ярим йилликлар якунлари бўйича ўз мажлисларида 2032 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Ангрен шаҳри бош режасининг амалга оширилишини кўриб чиқсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов, Тошкент вилояти ҳокими Ғ.И.Ибрагимов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А.Х.Тўхтаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

*) Иловалар рус тилидаги матнда берилади